

225/349 - عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ أَبُو ذِرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يُحَدِّثُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «فُوحَّ عَنْ سَقْفٍ بَيْتِي وَأَنَا بِمَكَّةَ، فَنَزَّلَ جِبْرِيلُ، فَفَرَّجَ صَدْرِي، ثُمَّ غَسَّلَهُ بِمَاءِ زَمَّرَةَ، ثُمَّ جَاءَ بِطَسْتٍ مِنْ ذَهَبٍ مُمْتَلِئٍ حِكْمَةً وَإِيمَانًا، فَأَفْرَغَهُ فِي صَدْرِي، ثُمَّ أَطْبَقَهُ، ثُمَّ أَخْدَى بَيْدِي فَعَرَجَ بِي إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا، فَلَمَّا جِئْتُ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا، قَالَ جِبْرِيلُ لِخَازِنِ السَّمَاءِ: افْتَحْ، قَالَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: هَذَا جِبْرِيلُ، قَالَ: هَلْ مَعَكَ أَحَدٌ؟ قَالَ: نَعَمْ، مَعِي مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: أُرْسِلْ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ. فَلَمَّا فَتَحَ عَلَوْنَا السَّمَاءَ الدُّنْيَا، فَإِذَا رَجُلٌ قَاعِدٌ، عَلَى يَمِينِهِ أَسْوَدَةَ، وَعَلَى يَسَارِهِ أَسْوَدَةَ، إِذَا نَظَرَ قَبْلَ يَمِينِهِ ضَحِلَّ، وَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ يَسَارِهِ بَكَّى، قَالَ: مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَبْنِي الصَّالِحِ، قَلْتُ لِجِبْرِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: هَذَا آدُمُ عَلَيْهِ السَّلَامُ، وَهَذِهِ الْأَسْوَدَةُ عَنْ يَمِينِهِ وَشِمَالِهِ نَسْمُ بَنِيهِ، فَأَهْلُ الْيَمِينِ مِنْهُمْ أَهْلُ الْجَنَّةِ، وَالْأَسْوَدَةُ الَّتِي عَنْ شِمَالِهِ أَهْلُ النَّارِ، فَإِذَا نَظَرَ عَنْ يَمِينِهِ ضَحِلَّ، وَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ شِمَالِهِ بَكَّى، حَتَّى عَرَجَ بِي إِلَى السَّمَاءِ الثَّانِيَةِ، فَقَالَ لِخَازِنِهَا: افْتَحْ، فَقَالَ لَهُ خَازِنُهَا مِثْلَ مَا قَالَ الْأَوَّلُ، فَفَتَحَ». قَالَ أَنَسٌ: فَلَكَرَ أَنَّهُ وَجَدَ فِي السَّمَوَاتِ آدَمَ، وَإِدْرِيسَ، وَمُوسَى، وَعِيسَى، وَإِبْرَاهِيمَ، صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ، وَلَمْ يُبَيِّنْ كَيْفَ مَنَازِهِمْ، عَيْرَ أَنَّهُ دَكَرَ: أَنَّهُ وَجَدَ آدَمَ فِي السَّمَاءِ الدُّنْيَا، وَإِبْرَاهِيمَ فِي السَّمَاءِ السَّادِسَةِ، قَالَ أَنَسٌ: فَلَمَّا مَرَّ جِبْرِيلُ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِإِدْرِيسَ، قَالَ: مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَخِ الصَّالِحِ. فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: هَذَا إِدْرِيسُ عَلَيْهِ السَّلَامُ، ثُمَّ مَرَرْتُ بِمُوسَى فَقَالَ: مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَخِ الصَّالِحِ، قُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: هَذَا مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ، ثُمَّ مَرَرْتُ بِعِيسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ، فَقَالَ: مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، قُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: هَذَا عِيسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ، ثُمَّ مَرَرْتُ بِإِبْرَاهِيمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ، فَقَالَ: مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَبْنِي الصَّالِحِ، قُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: هَذَا إِبْرَاهِيمُ عَلَيْهِ

قَالَ: وَكَانَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا وَأَبُو حَيَّةَ الْأَنْصَارِيَّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُانِ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «ثُمَّ عِجَّ بِي حَتَّى ظَهَرْتُ لِمُسْتَوِي أَسْمَعْ فِيهِ صَرِيفَ الْأَقْلَامِ». قَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَقَرَضَ اللَّهُ عَلَى أُمَّتِي حَمْسِينَ صَلَادَةً، فَرَجَعْتُ بِذَلِكَ حَتَّى مَرَرْتُ عَلَى مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ، فَقَالَ: مَا فَرَضَ اللَّهُ لَكَ عَلَى أُمَّتِكَ؟ قُلْتُ: فَرَضَ حَمْسِينَ صَلَادَةً، قَالَ: فَارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ، فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ ذَلِكَ، فَرَاجَعْتُ، فَوَضَعَ شَطْرَهَا، فَرَجَعْتُ إِلَى مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ، قُلْتُ: وَضَعَ شَطْرَهَا، فَقَالَ: رَاجِعْ رَبِّكَ، فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ، فَرَاجَعْتُ، فَوَضَعَ شَطْرَهَا، فَرَجَعْتُ إِلَيْهِ، فَقَالَ: ارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ، فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ ذَلِكَ، فَرَاجَعْتُهُ، فَقَالَ: هِيَ حَمْسٌ، وَهِيَ حَمْسُونَ، لَا يُبَدِّلُ الْقَوْلُ لَدَيْهِ، فَرَجَعْتُ إِلَى مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ، فَقَالَ: رَاجِعْ رَبِّكَ، فَقُلْتُ: اسْتَحْيِيْتُ مِنْ رَبِّيْ، ثُمَّ انْطَلَقَ بِي حَتَّى انْتَهَى بِي إِلَى سِدْرَةِ الْمُنْتَهَى، وَعَشِيْهَا أَلْوَانٌ لَا أَدْرِي مَا هِيَ، ثُمَّ أَدْخَلْتُ الْجَنَّةَ، فَإِذَا فِيهَا حَبَابِلُ الْقُلُوْبِ، وَإِذَا تَرَابُهَا الْمِسْكُ».

225.349 Ибн Шихоб Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қиласи:

«Абу Зарр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини сўзлаб берар эди: «Мен Маккада эканимда уйимнинг шифти очилди. Шунда Жаброил тушиб, кўксимни ёрди, сўнг уни замзам суви билан ювди. Кейин хикмат ва иймон тўла бир олтин тос келтириб, уни кўксим ичига қуиди, сўнг ёпди. Сўнгра қўлимдан тутиб, мени дунё осмонига олиб чиқди. Дунё осмонига етиб келганимда, Жаброил осмон қўриқчисига: «Оч!» деди.

«Ким бу?» деди.

«Бу Жаброил», деди.

«Сен билан бирга бирортаси борми?» деди.

«Ҳа, мен билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бор», деди.

«Унга (олиб чиқишига) элчи юборилдими?» деди.

«Ха», деди.

У очгач, дунё осмонига кўтарилидик. Қарасак, бир киши ўтирган экан. Унинг ўнг томонида оломон, чап томонида ҳам оломон бор эди. У ўнг томонига қараганда кулар, сўл томонига қараганда эса йиғлар эди. «Марҳабо, солиҳ Набий, солиҳ ўғил хуш келибди!» деди. Жаброилга: «Бу ким?» дедим. «Бу Одамдир. Унинг ўнг ва чап томонидаги оломон зурриётларининг арвоҳларидир. Уларнинг ўнг томонидагилари жаннат аҳли, чап томонидаги оломон эса дўзах аҳлидир. Шу боис ўнг томонига қараганда кулади, сўл томонига қараганда йиғлайди», деди.

Ниҳоят, мени иккинчи осмонга олиб чиқди ва унинг қўриқчисига: «Оч!» деди. Қўриқчи унга олдингиси айтган сўзларни айтди ва очди».

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «У (Абу Зарр) осмонларда у зот Одам, Идрис, Мусо, Ийсо ва Иброҳим салавотуллоҳи алайҳимни кўрганларини айтди-ю, уларнинг манзиллари қандайлигини аниқ айтмади. Бироқ у Одамни дунё осмонида ва Иброҳимни олтинчи осмонда кўрганларини зикр қилди».

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Жаброил Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни Идриснинг олдидан олиб ўтганида, у:

«Марҳабо, солиҳ Набий, солиҳ биродар!» деди.

(Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар)

«Бу ким?» дедим.

«Бу Идрис!» деди (Жаброил). Кейин Мусонинг олдидан ўтдим.

«Марҳабо, солиҳ Набий, солиҳ биродар!» деди.

«Бу ким?» дедим.

«Бу Мусо!» деди (Жаброил). Кейин Ийсонинг олдидан ўтдим.

«Марҳабо, солиҳ биродар, солиҳ Набий!» деди.

«Бу ким?» дедим.

«Бу Ийсо!» деди (Жаброил). Кейин Иброҳимнинг олдидан ўтдим.

«Марҳабо, солиҳ Набий, солиҳ ўғил!» деди.

«Бу ким?» дедим.

«Бу Иброҳим соллаллоҳу алайҳи васаллам!» деди (Жаброил).

Ибн Шиҳоб айтади: «Менга Ибн Ҳазм хабар қилди, Ибн Аббос ва Абу Ҳабба Ансорий бундай дейишар эди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кейин шундай бир баландликка кўтарилдимки, у ерда қаламларнинг қитирлашини эшитар эдим»**, деганлар».

Ибн Ҳазм ва Анас ибн Молик айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Шунда Аллоҳ умматимга эллик (вақт) намозни фарз қилди. Мен шу билан қайтдим. Мусонинг олдидан ўтаётганимда: «Аллоҳ умматингга нимани фарз қилди?» деди. «Эллик (вақт) намозни фарз қилди», дедим. «Роббинг ҳузурига қайтиб бор, чунки умматинг бунга тоқат қила олмайди»**, деди.

Шунда мурожаат қилган эдим, (Аллоҳ) ярмини кечди. Мусонинг олдига қайтиб келиб: «Ярмини кечди», дедим. «Роббингга мурожаат қил, чунки умматинг бунга тоқат қила олмайди», деди.

Шунда мурожаат қилган эдим, (Аллоҳ) ярмини кечди. Кейин у(Мусо)нинг олдига қайтиб келиб: «Ярмини кечди», дедим. «Роббинг ҳузурига қайтиб бор, чунки умматинг бунга тоқат қила олмайди», деди.

Хуллас, яна мурожаат қилган эдим, (Аллоҳ) «Булар ўзи бешта, аммо (савобда) элликтадир! Менинг ҳузуримда сўз ўзгартирилмас!» деди. Мусонинг олдига қайтиб келган эдим, «Роббингга мурожаат қил!» деди. «Роббимдан ҳаё қилдим», дедим.

Кейин (Жаброил) мени олиб юриб, ниҳоят, Сидратул Мунтаҳога етказди. Уни мен билмайдиган ранглар ўраб олган эди. Сўнгра жаннатга киритилдим. Қарасам, унда марварид гумбаз бор экан, тупроғи мушк экан».

Изоҳ: Сидратул мунтаҳо - луғатда «ниҳоя дарахти», «чегара дарахти» деган маъноларни англатади. Ҳадисда таърифланишича, у бутасимон дарахт бўлиб, чавандоз бир неча ўн йил от чоптирса ҳам, унинг сояси тугамайди. Унинг «ниҳоя» деб номланишига сабаб шуки, барча маҳлуқотнинг илми ўша жойгача етади, ундан ўёғида нима борлигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Фаришталар ҳам ундан ўёғига ўта олмайдилар. Бу ҳам ғайбга тааллуқли нарсалардан бўлиб, у ҳақда оят ва ҳадисларда келган маълумотлар билан кифояланиш лозим. Унинг кайфияти ва бошқа жиҳатлари Аллоҳнинг Ўзигагина маълум бўлиб, инсон ақлу идрокидан устундир.

Манба: hadis.islom.uz

